

84

Б 88

Шарофат Ботирова

# ЮРАҚДАГИ КҮЗ



ШАРОФАТ БОТИРОВА

*Handwritten signature*

# ЮРАҚДАГИ КЎЗ

Шеърлар

497

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
OLY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI  
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ  
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI  
AXBOROT RESURS MARKAZI  
1-FILIALI

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
OLY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI  
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ  
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI  
AXBOROT RESURS MARKAZI  
Тошкент

«Бзуучи» нашриёти

## БАҒИШЛОВ

Содиқ дўстдай истак айтдингиз,  
Ижобатга айланди тилак.  
Меҳримизни боз ийдирдингиз,  
Яна шеърга бойланди юрак.

Мустар эдик шундай бир дамга,  
Чарос нурга зор эди кўзлар.  
Учратгил деб содиқ ҳамдамга,  
Юрган эдик Оллоҳга бўзлаб.

Шукур, сизни этибди насиб,  
Босилгандай бўлди хуморлар.  
Тақдир этмиш бизни муносиб,  
Соғинчингиз — қўлда туморлар.

Ул туморнинг седанасидан  
Анқиб турсин сеҳр тўла сас.  
Шеър битганда ҳар донасига,  
Нингоҳингиз сезиб турсам бас.

«Кутлуғ оғим — ёлғизлик фасли,  
Соғларингнинг оқи қадар ҳақ...»

Қалб тубидаги армоннинг маънос кўзлари... Шу кўзларга оловдек урилиб куйдирадиган, юрагингизни кесиб юборадиган мисралар. Шундай эмасми? Энди шу туйғу билан кириб бораверинг Қўлтилга. Аёл руҳиятига. Дунё алдовлари ичида Ҳақ сўз ва муҳаббатни кўтариб яшаётган аёлга ишонинг.

Зеро таниқли шоира Шарофат Ботированинг мазкур шеърий тўплами Сизнинг ишонч ва муҳаббатингизга лойиқ деб умид қиламан.

В 4702620202—32  
М 362 (04)—98 — қатъий буюртма — 1998

ISBN 5—8255—0565—2

© Шарофат Ботирова,  
«Ўзбекистон» нашриёти, 1998 йил

## ТИЛ УРГАНАЕТГАН ШОГИРДЛАРИМГА

Сиз жаҳонга чиқмоқ бўлсангиз,  
Энг аввало, Ватандан сўзланг.  
Орта кутар отам-онам деб,  
Эртанингиз, дилбанддан сўзланг.  
Саволлар-ла этсалар таъқиб,  
Утмишингиз-исёндан сўзланг.  
Қасру амал вафо этмаган  
Подшоҳлардан, султондан сўзланг.  
Ўз юртига боши сиймаган  
Бобур деган армондан сўзланг.  
Магаданда қонлар тупуриб,  
Ғариб ўтган Усмондан сўзланг.  
Чинорларим қулаб кетди деб,  
Куйган ашқу гирёндан сўзланг.  
Субҳидамда барҳақ қуёшдай,  
Юз кўрсатган оқ тонгдан сўзланг.  
Ҳозирингиз — Муस्ताқил юртдан —  
Райҳон исли даврондан сўзланг!  
Ҳар нафасга жонни сингдириб,  
Ўзбекистон — жонондан сўзланг!  
Кам бўлмайсиз икки дунёда.  
Истанг, ўн хил забонда сўзланг.  
Лек ягона Она сиймоси,  
Елғиз ёрдан — Ватандан сўзланг.  
Сўзлайверинг ҳеч бир тортинмай,  
Буюк қудрат имондан сўзланг.  
Ҳеч бўлмаса «бисмиллоҳ» дея,  
Аллоҳ сўзи — Қуръондан сўзланг!  
Она тилни сиз кўприк айлаб,  
Ўзбек берган туз-нондан сўзланг.  
Қорачуққа жойланган дунё —  
Чин саждагоҳ — Турондан сўзланг!

## АМИРИМ, МЕН СИЗНИ РАҲНАМО БИЛДИМ

Сароймулк хонимнинг садоқати — дарс,  
Амирим, бул ҳақда айтмоғимиз қарз.  
Ҳар аёл қисмати вафоликка фарз,  
Уларнинг ҳаққига дуолар қилдим.

Кўз ёш-ла эсласам Момомни букуни,  
Тилимга тушади чил чалкаш тугун.  
Менинг-да кунларим дилафкор, нигун,  
Мардона руҳларин дуолар қилдим.

Самарқанд аслида файзли бир дунё,  
Ўзглиш билмаган ўзанли дарё.  
Ундаги салтанат орзули рўё,  
Қишвари Ҳоқонни дуолар қилдим.

Сиз Вафо номига ҳайкал қурдингиз,  
Мангулик кўшиғин Ҳайрат билдингиз.  
Муҳаббат сўзида қудрат кўрдингиз,  
Мен Сиздай султонни дуолар қилдим.

Сиз минган саманлар кишнашар қайда?  
Боролмам ул томон йўлим тош майда.  
Юрагим суврати ўйилган найда,  
Руҳи покнингизга дуолар қилдим.

Сароймулк хонимдай жоним озурда,  
Сизиниб яшадим пинҳон орзумда.  
Сизнинг олдингизда узмас қарзимдай,  
Руҳи покнингизга дуолар қилдим.

Сиз Биҳонимга қурган мнюра  
Енига чорлайди мени кун ора.  
Биби сочларидай тушим тим қора,  
Содиқ моҳингизни дуолар қилдим.

...Амирим, мен Сизни раҳнамо билдим.

## ЧУЛПОННОМА

Муҳаббатнинг осмони, сизда бўлмоқ истадим,  
Васлингизга етай деб чайир отим қистадим.  
Фарҳоднинг жасоратин Ширин каби қўмсадим,  
Ағёр, йўлим тўсмангиз, мен осмонни кўзладим!

Муҳаббатнинг осмони, турналар учар қайда?  
Соғинч ёшларин йиққан руҳ йўллари тош майда  
Қизгалдоқнинг оқ қони кўпирар қизил сойда...  
Ағёр, йўлим тўсмангиз, мен осмонни кўзладим!

Дарвоқе, ул қизғалдоқ баҳорий уч кунимдир,  
Тўмарисдан қарз олган оғзи очиқ хумимдир.  
Чолғуларин йиғлатган «Чўли проқ» унимдир,  
Ағёр, йўлим тўсмангиз, мен осмонни кўзладим!

Бир томчидай парланиб учай сизнинг ёқларга,  
Шаббодалар, хокимни сингдириг гиеҳларга.  
Тақдир йўли, васлимш жуфт айлангиз тоқларга,  
Ағёр, йўлим тўсмангиз, мен осмонни кўзладим!

Кўнглимнинг бир четида ой йиглаб қилар гурбат,  
Мен тилаган маҳуб, вой, шудрингдан тилар қувват.  
Чўлпон каби унмадим, кўрмадим ҳеч мурувват,  
Ағёр, йўлим тўсмангиз, мен осмонни кўзладим!

Муҳаббатнинг осмонни юлдузларга қабрдир,  
Ушал ердан менга ҳар бир қарич ер зарурдир.  
Абру найсон ашкимдан униб чиққан сабрдир,  
Ағёр, йўлим тўсмангиз, мен осмонни кўзладим!

\* \* \*

Энди гуллар гулламайди Сенинг боғингда,  
Уни армон қайчилари қирқиб отдилар.  
Хавон яғини яғини тулга кирган чоғида,  
Юлдузларим ой кўксини йиглаб ботдилар.

Мен кирмаган боғ тулламас, яшнамас энди,  
Қуёшга чан кўчалардан ўтарсан бедор.  
Тушларинг ҳам алғов-далғов бўлгуси, чунки  
Беуманинг қизларига бўлдурсан душвор.

Ул мен эдим балолардан асраган сени,  
Ишқ майининг лаззатини англаган очун.  
Хотирда тут, баҳри-байта сийланган номинг,  
Алвон рангдан кулранг тусга кирган қувончинг.

Қутиб яша, кузда дарахт япроқларига,  
Битадирман Сенга айтар ҳижрон қўшини.  
Хат битарман Сирдарёнинг тўлқинларига,  
Кўклам кўксин ёрар чақмоқ — менинг товушим.

## АРМОН

Биламан, мен ўлсам кўмолмас замин,  
Баданим-аламдан қадоқланган тош.  
Димоғим эркалаб сармаст шамоллар,  
Тоғ томон чорлагай вужудим — оташ.

Ўйларнинг каттаси залворли Олам,  
Чинорлар бошига осур рўмолим.  
Туннинг кўз ёшлари — минг турли гуллар,  
Қаршилаб туришар маккор Ҳижронни.

Ҳаловат изладим топмадим абас,  
Унмади олдинда кўринган карвон.  
Онамнинг хизматин қилолмай тўкис,  
Талпиниб ўганим — энг катта армон.

Мен тумор айладим «тавба» сўзини,  
Гуноҳга ёр бўлди беш кунлик дунё.  
Баъзан бошқаролмай ўзим-ўзимни,  
Ғанимга ёшларим кўрсатдим, хато!

Хатолар, сиз энди ерга кўмининг,  
Лек мени кўмолмас бу ёруғ тулроқ.  
Биродар, жисимини тоғларга элтинг,  
Қорларнинг бағрида ўтайин уйғоқ!..

\* \* \*

Қутлуғ оним — Ёлғизлик фасли,  
Сочларингнинг оқи қадар ҳақ.  
Ул отилган қалдирғоч саси,  
Ул кўнглимда тўнглаган шафақ.

Ёлғизликнинг тахти тиллодан,  
Ўлтирибман мен унда ғолиб.  
Нечун ҳар кеч дарчам чертасан?  
Остонамда куйлайсан ёнбо!

Шаҳуворим, сўйлагил ҳақни,  
Мени тахта ўтқазган кимдир?  
Давронликка йўқ энди ҳақинг,  
Гуноҳинг ҳам эҳтимол йўқдир.

Лекин энди ўзим малика,  
Елғиз тахтнинг ёлғиз тождори.  
Ёстиғимнинг ярмида армон,  
Билмай яшар ҳатто ўз номин.

### КЕЧИККАН ГУЛИМ

Султонлик нстайди ўзинча кўнгил,  
Сулаймон тахтини кўзлайди кўнгил.  
Ошуфта онларни излайди кўнгил,  
Кечиккан гулим-эй, ичиккан гулим.

Сумбула сувига юзини чайса,  
Тутгани райҳону босгани майса.  
Истаги баётдай ўзини суйса,  
Ичиккан гулим-эй, кечиккан гулим.

Баҳорга ўзинча кўйлак бичади,  
Осмондай ложувард ўйлар қучади.  
Боладай «дув» этиб боққа кўчади,  
Кечиккан гулим-эй, ичиккан гулим.

Хурларнинг тўйига боргиси келар,  
Армоннинг кўксини ёргиси келар.  
Қўл етмас Ойни ҳам олгиси келар,  
Кечиккан гулим-эй, ичиккан гулим.

Худодан тилади мени басир Ғам,  
Яхши деб танлади, дард берган Эгам,  
Ғанимлар мен учун ичдилар қасам,  
Тинчимас гулим-эй, тинчимас гулим.

Сағир Ишқ йиғлайди — дилпора назм,  
Рухларга гул тутиб хушлай бир ўзим.  
Дўст қўлим тутишга этмади жазм,  
Кечиккан гулим-эй, ичиккан гулим.

Сулаймон тахтада девлар ухлайди,  
Борақол, деворга жисминг миҳлайди.  
Дунё-дун умримни обдон чархлади.  
Ичиккан гулим-эй, кечиккан гулим!..

### АЙИРМОҚ УЧУН

Мендан сени айирмоқ учун,  
Самодан тушади бир тўда хурлар.  
Узини меҳрибон кўрсатмоқ учун,  
Қўлингга тутади май, чиниғуллар.

Май ичиб сен мени таҳқир этасан,  
Хурларнинг кўнглини соҳир этасан.

Сенга мени ёмон кўрсатмоқ учун,  
Жандаларга ўрар усти-бошимни.  
Қанотимни қирқиб қайирмоқ учун,  
Айқаштирар тўғри каломларимни.

Сен асир тушасан устамонларга,  
Пичоқни қайрайсан устихонларга.

Иккимиз айриб юбормоқ учун,  
Ойнинг қиличида умрим чопарлар.  
Мен чўкиб кетаман кўз ёш бағрига  
Ғолиб хурлар сени ёлғиз топарлар.

Сен энди ўргимчак ҳукмида танҳо,  
Мен-чи Рашк хунининг ҳукмида танҳо...

### ... ГА

Ховучимга дуо олганда  
Тўкилади сўроқларим дув.  
Сен Худога гуноҳкор банда,  
Ўз қилмишинг ўзингга маълум.

Битта менинг кўз ёшим надир  
Надир Сенга бўлганим илҳақ,  
Якка Оллоҳ барига қодир  
Якка унинг ҳукмида Борлик.

Қарвонларнинг бонгида бир сас  
Занжирларга қўшиқ улашар.  
Тавба айла. Ҳаққа тўк кўз ёш,  
Битта менинг ҳукмин не бўлар?

Ҳаққа йиғла, Ҳаққа ёккил бош..

\* \* \*

Мен қоялар ичра одамман,  
Сен — одамлар ичра қоясан.  
Иккимизга ҳам қийин, охир,  
Иккита тоғ учрашмас мангу.

Мен — осмонда учган якка қуш,  
Сен ҳам тоқ қуш чаман боғ аро  
Иккимизга кўп қийин, ахир  
Қовушолмас икки мағрур қуш.

Мен қазратон қишдаги гулман,  
Дарёдирсан сен саҳродаги.  
Жазирама елдан қурирман,  
Тўхтамдаги дарёсан сен ҳам.

Мен — шабнамман, излар тушмаган,  
Сен — булутсан баланд осмонда.  
Иккимизга қанчалар қийин,  
Утмоқдамиз ўксик, армонда.

Лек ҳаётда имкон қилдириб,  
Яшайдирмиз севиб, талпиниб,  
Табиатнинг темир қонунин  
Енгажакмиз бир куни келиб.

Икки мағрур қоядирмиз биз.

### ВАҚТ КҶКСИДАН

Қон оқади Вақтнинг кўксидан,  
Сен келмадинг — вақт ҳам ўксинди.  
Мени эса, яхши билурсан —  
Япроқ нисли бирдан тўзидим.

Сен келмадинг. Дунё ўксинди.  
Фарёд чиқар забун кўксимдан.  
Бул ҳолатни билмассан балки,  
Ҳатто қордан ёндим, қизидим.

Дил ранжиди, қаттиқ ўксиндим,  
Бир ўқ бордай гўё кўксимда.

Сен келмадинг голиб қуш нисол,  
Ранг қолмади қонсиз тусимда.

Шамол увлар, гуллар қусади,  
Қон оқади Вақтнинг кўксидан.  
Энди Сени кутмай ҳам қўйдим,  
Согинч юрар менинг изимдан.

Иллоҳ, мени яхши билурсан...

### БЕГИМ...

Немез дард мени қийнайди, бегим,  
Минг турли хаёллар қайрайди, бегим.  
Нўлимда дарёлар йиғлайди, бегим,  
Кетиб қолай десам гар Сиздан.

Кей, равон йўллар ҳам торайиб кетар,  
Бул олам кўзимда сарғайиб кетар.  
Гарибтар кўнглим ҳам зардоблар ютар,  
Кетай десам қарорингиздан.

Кетинш...

Кошкийди Кумушдай кетолсам мангу,  
Кошкийди фироқдан қолсангиз гангиб.  
Зайнабдай мардликни билмаган мардим,  
Кетолмам уй деган мазорингиздан.

Қўлимни қўймайди остона-тумроҳ,  
Лек эзиб ташлайди зил-замбил ингоҳ.  
Томирда қон эмас, айланар ~~ингоҳ~~  
Сарғайдим бурч деган бозорингиздан.

Ҳайронман, Шарофат, кимга қул тушдинг?  
Эртанг йўқдир сенинг! Улган кун ўчдинг!  
Ганимнинг минг битта, дўст деганинг ким?  
Ким билар? Ким айтар озорингиздан?

...Аллоҳсиз дард мени қийнайди, бегим!

## АРАЗЛИ КҮНДА

Мен Сизга хотинмас, бир дўстман, холос,  
Ва лек балолардан асраб ўтарман,  
Узга санамларга қўйингиз ихлос,  
Ул дамни кўрмай деб қонлар ютарман.

Сиз ундан менда кам меҳрини туюнг,  
Энг яхши каломдан тизинг маржонлар,  
Хавосин янгиланг «оҳ» тўла уйинг,  
Ҳар оқшом сийласин Сизни май, жомлар.

Сиз уни ардоқланг қалтис фанода,  
Мени таҳқирлаган каломни айтманг,  
Фарқлай олинг уни оддий аёлдан,  
Бир мақтаб, сўнг яна орқага қайтманг.

Ярақлаб юрмадим Сизнинг давронда,  
Ҳокисор юракни юрдингиз сотиб,  
Сизни кўп сийладим бозор дунёда,  
Саратон елидан қолдим совқотиб.

Музлатди бир умр юзга солишлар,  
Рафиқа бўлмоқлик Сизга кўп қийин,  
Боладек аёвсиз силтаб солишлар,  
Сарвдек бўйимни эгдилар тайин.

Ушбу тонг орани очиб қолдириб,  
Мен Сизга дўст бўлиб яшарман энди,  
Алвидо, деган сўз турар қалтираб,  
Бекачлик тахтидан тушарман энди.

Тантислик сийловдир. Керакмас кўз ёш,  
Бирин кам дунёнинг қизиман юпун,  
Остона устида ўқирар Бардош,  
Оғирлик қилмагай орттирган юким.

## ИЛК КҮНЛАР

Ўзингга илк меҳрим тушган кунлари,  
Бу дунё шунчалар поёнсиз эди,  
Қувончим юлдузга сўйлаб тунлари,  
Юлдузлар ишқимга соҳун кўз эди.

Ўзингга илк меҳрим тушган кунлари,  
Бу дунё гўдаклик мусаффо эди,  
Қулоғим тагидан кетмай куй нари  
Толедан туғилган куй-сафо эди.

Дунё кўп эди ранглар хилма-хил,  
Атласранг ёғдулар ёнарди кўзда,  
Кўнгилини қиздирган қизғин рангли гул  
Биздек хушбахт эди, шод эди биздай.

Ўзингга илк меҳрим тушган кунлари,  
Осмонда кўп эди юлдуз чароғон,  
Соғинч-ла ўтарди ҳар бир кунларим,  
Ҳамма менга эди ўта меҳрибон.

Ўзингга илк меҳрим тушган кунлари,  
Мен ҳаққимни олдим, ишқдан, ҳаётдан,  
Сўнгроқ дарё бўлиб оқди куйларим,  
Аммо у илк кунлар чиқмагай ёддан.

## ОСТОНА ОРТИДАГИ ИНТИҚЛИК

Сиз яшаб турган уйинг остонаси кўп баланд,  
Қўл етмас деразаси худ осмонга қараган,  
Дераза ойналари ёмғирдан сўнг топ-тоза,  
Унинг ортида ётган мактубларим дилзада.

Сиз яшаб турган уйинг эшиклари нақшикор,  
Ўртадаги столда уч дона чиннигул бор,  
Улар менинг соғинчдан қизарган ёноқларим,  
Қизарган кўзларимдир, қиздирган сўроқларим.

Ул гулларга боқмоққа журъат даркордир, журъат,  
Бир сўлим куй оғушида айланар эди хилқат,  
Сукут сизни кемирад, ғурур кўймас қўлингиз,  
Ул баланд остонадан тополмайсиз бўлингиз.

Деразадан боқасиз сабр косангиз тўлар,  
Уч дона ул чиннигул озор пойида ўлар.  
Қўрғон бўлган дарвоза очилар қачон, қай кун?  
Узники қилиб олгай ҳайрат-ҳаяжон қай кун?

Қай кун тоғдай қулайди асир этган остона?

\* \* \*

Севмайман деб айтишим қийин,  
Балки тирик ҳали бу туйғу.  
Сизни алдаб ичсам-да қасам,  
Гуллаб турар боғлар бултурги.

Ул боғларда баҳорни кутиб,  
Эккан эдик жамбил-райҳонлар,  
Ҳатто келар Кузни унутиб,  
Кезар эдик дала-майдонлар.

Тинч қўймади ҳилолни тунда  
Ғанимларим сотдилар арзон.  
Яйрамадим иқболли кунда,  
Худо бахтни бермаскан осон.

Лек барибир ёлғон-фаслдан,  
Умидларни юрибман тилаб.  
Боғ кўқартган билар ас..нда,  
Дарахт учун қанча кўр керак.

Бизда эса, ҳали имкон мўл,  
Момолардан сўрайлик кучни.  
Япрогимиз тўкмасин қор-дўл,  
Кўқартмайлик печакдай Учни.

Улим келиб эшик қоққунча,  
Яшаш керак қариб-қийлаб.  
Меҳр сақлаб бу жон чиққунча,  
Ўтавергум Сизни авайлаб.

....Севмайман деб айтишим қийин.

\* \* \*

Эсимда йигитлар тунда куйлашиб,  
Деразам тагидан ўтарди бедор.  
Неминни қўшиққа-куйга улашиб,  
Хуштаклар чалишиб қўярди бирор.

Мен эсам бепарво китоб титардим,  
Аелини излардим гўё китобдан.  
Ҳаётда ҳамма ҳам куйлайверар деб,  
Сизлардим ўзимни ҳар эътирофдан.

Шу куйда кўп тунлар тонгга уланди,  
Йигитлар ота бўб қуюлиб қолди.  
Мен ҳам онлага ишқ-ла боғландим,  
Ху, тунги хуштаклар қулоқда қолди...

\* \* \*

Бир кун келиб айро тушса йўл,  
Хаёлимда тирилгай расминг,  
Қуруқ қолса мен узатган қўл  
Ўт-оловда ёнгайдир жисмин.

Бир кун келиб йўқотсанг мени,  
Хаёлингдан ўтган минг қизлар.  
Бил, улардан кўп ортиқ эдим,  
Қайноқ эди мендаги ҳислар.

Бир кун келиб тинса гар Қўшиқ,  
Келмас бўлса, кўкдан садолар.  
Демак, мени йўқотдинг, ошиқ,  
Гулиб чиқди ўлим — савдогар.

Бир кун гуллаб кетса чиннигул,  
Майсаларнинг йиртилса лаби,  
Ер остида, билки, тиқидим.  
Инграб турган булоқ, бил, қалбим.

...Бир кун келиб айро тушса йўл.



\* \* \*

Фонус ўчиб қолди йўлакда,  
Рўпарамда тош қотган сиймон,  
Ҳисларимни аста йўргаклаб,  
Қўзларимга қўяман симоб.

Сени яна қайта кўргунча;  
Қуйиб битсин кўз қорачиғим;  
Кечирмайман Сени ўлгунча,  
Номинг йитсин, дўзахнинг чўғи!

Эртанимни эрка бердим мен,  
Ораум — эркнинг беваси бўлсам,  
Ишқ аталган Оллоҳнинг сен-чун,  
Таъқиқ этган меваси бўлсам.

Фонус ўчиб қолди йўлакда...

\* \* \*

Бўронларнинг қўлида жоним,  
Утай онам эрур Халоват.  
Мени сотиб қўйди сирдошим...  
Ўз-ўзимни айладим ғорат.

Сотқинликдан устунроқ Уят,  
Қурбон бўлган бошни силаманг.  
Ғаним айбин англаса шояд,  
Бу кунимни ҳечга тиламам.

Мени сотиб қўйди сирдошим,

## МУТАРЖИМ

Иккимиз сўзлашсак борлиқ бўлиб жим,  
Халақит бермасди, сақларди сукут,  
Табият бизларга бўлиб мутаржим,  
Дилбар ишқ-вафодин берарди ўғит.

Шу зинил баҳорлар гуллади сўхсур,  
Ёз келиб тўлишдик бахтли онлардан.  
Қай бир кун сўзимизга келиб кўнди куз  
Бефарқлик дард бўлиб юқди қаёндан?

Энди кўзларимиз сўзлай бошлади,  
Гинию кадарни сингдириб чўққа.  
Сўзлар бизни ташлаб кета бошлади,  
Оқибат-жавоблар қоринди йўққа.

Энди иккимиз ҳам оғир карвондай,  
Энг олдиб сўздан ҳам безди бу юрак.  
Уқ теккан ул сўзлар ўксик — армонда,  
Кувунлар томирдан ўтар югурак.

Энди кўнглимизни кўтармоқ учун,  
Нароқ кун ва тундан бир сўз излаймиз.  
Минишарга хотиржам етмоқлик учун,  
Бардошдан қаноат, тўзим сўраймиз.

## ҲИЖРОН КУИИ

Учиб кетар экан турналар,  
Қур-кур, дея ув солар чуввос.  
Ҳижрон келиб патин юлмалар,  
Бир кайфият одамларга хос.

Ота уйин тарк этган қиздай,  
Юрак-бағри хазин тирналар,  
Ярим тунда учган юлдуздай,  
Бир паришон учар турналар.

Сиз-ку яна қайтиб келасиз,  
Уч ой деган ўтар-да, кетар.  
Уч ойдан сўнг баҳор, биласиз,  
Уч ойдан сўнг бу замин гуллар.

Лекин менинг эссиз дугонам,  
Тарк айлади бугун ёр уйин.  
Унга энди шодлик бегона  
Уни қучар тул ҳижрон куйин.

Баҳор билан қайтасиз хуррам,  
Йўл азоби унут бўлади.  
Лекин менинг эссиз дугонам,  
Ўз уйида унутилади.

Уч ойдан сўнг баҳор, биласиз...

### ЁМҒИР

Лоақал ёмғир ҳам ёрмади бугун,  
У каби ёмғирни севаман мен ҳам.  
Ёмғирдан сочларни сирга бўб, балки,  
Энтикиб қайтарди ёнимга эркам,  
Ёмғир ҳам ёрмади, у ҳам келмади.

Энди шўх елларни кута бошладим,  
Лоақал шабода турмади бугун.  
Сабодан вужуди баҳр олиб, балки,  
Ёнимга еларди эрта тонгми-тун,  
Еллар ҳам елмади, у ҳам келмади.

Қуёш ҳам кўрсатди чўгдек юзини,  
Ойдин тун ҳам ўтди, сўлим кеча ҳам.  
Лоақал хаёлим бермас изминни,  
Йўлига интизор эгарди хўб ҳам.  
Мени ҳам ютарди, уни кутардим.

Энди кутишга ҳам тоқат қолмади,  
Саволлар домда мен жуда толдим,  
Узун йўқлашларга қилдим-да ситам  
Хомушгина анҳор лабига бордим,  
У тинмай юрарди, мени кутарди.

### ЕНГИЛ ТОРТАСАН

Бугун йироқдасан мендан юлдуздек,  
Тамаки дудидан оласан алам.  
Қадрдон дўстингга оз-оздан сўз-да,  
Мени ёмонлагин ичиш олдидан —  
енгил тортасан.

Сўнгра мактубларим титил бирма-бир,  
Илжик сатрларим аёвсиз тошла!  
Фақат камчилигим, ёмондан гапир,  
Ёмон хислатларим ёғдириб ташла —  
енгил тортасан!

Ҳориган бошингни қўйгил ёстиққа,  
Болишинг тагида мен берган тумор.  
Сархуш боқасан қалампирмунчоққа,  
Тан олки, ушбу дам ёзилар хумор —  
енгил тортасан.

\* \* \*

Уйламанг, ҳеч сирдан воқиф эмас деб,  
Барнолар ёқади сизга ҳам, бегим.  
Сиз мени гўзаллар Маъбудаси деб  
Мақтаманг, биламан бу рўслигин.  
Яхшиси ўзингиз гўлликка солиб,  
Садоқат сўзини кўз ёш-ла айтинг.  
Кун бўйи не қилдиқ, не ишдан тониб,  
Кечкурун энг содиқ қулимдай қайтинг.  
Уйламанг, ҳеч сирдан воқиф эмас деб.

### ТУШЛАРИНГ АЙТАСАН

Ҳар тонг тушларингни айтасан ёниб,  
Синиққан кўзларинг синган ойнадай.  
Биламан, бул дамлар ўткинчи, оний,  
Тоқатлар тилайман сенга онадай.

Не қилай узатай десам калта даст,  
Менинг-да тушларим алғов-далғовдир.

Тушлар-мас, ҳаётим ўтар зеридас,  
Кўрганам фалакнинг ўзи мижғовдир.

Бу ялдо устунни ютгани заққум,  
Суняч тоғларим ҳам кетдилар тоғиб,  
Кўзларим толдилар тополмай Ҳақни,  
Юрак ҳам сўнмоқда шам каби толиб.

Сен эса, туш айтиб нажот тиларсан,  
Ғарибтар дил тўлмас сўзимдан, кечир,  
Мен ҳам бир сарғайган япроқ, билмайсан,  
Яхшиси кўзингдан Меҳр-май ичир.

Ул майдан жаннатнинг ифори келиб,  
Илоҳим куч берсин хазин дилимга.  
Умидни Муҳаббат тумори қилиб,  
Сени олиб кетгум Дунё — дулимга.

Ўшанда тушларинг оққа кўмилиб,  
Тонгларинг ёришгай уйғониб хобдан,  
Менинг ҳам ўксинган дилим томири,  
Куч олиб қутилгай руҳи жаллоддан.

...Сен менга тушларинг айтасан ёниб.

### ЮРАГИМГА ЧАҚМОҚ ТУШДИ

Юрагимга чақмоқ тушди, жароҳати азобдир.  
Димоғимни ачитади қон аралаш тутунлар.  
Энди билсам тугамас ғам тирикликка исендир,  
Адоғи йўқ маломатдан ағдарилди устунлар.

Ўхшаб қолдим ичи бўм-бўш чиройли қўғирчоққа,  
Кўзларимни очиб-очиб боқаман ўта бефарқ.  
Ғанимларнинг усталиги солди мени шу кўйга,  
Бурқсиз турган вужуд худди яшин урган бир дароҳ.

Қизиқ бўлар экан жуда Аёлни аёл урса,  
Билиб тургим эркак асли боқар саҳна ортидан.  
Тилларимни суғурдилар, онгни заҳарлаб роса,  
Яна мақтаб қўядилар оломоннинг олдида.

Кўзларим ёним оқиб кетди боболар ётган ерга,  
Кўр кўриб билиб турар Кўкдаги буюк қудрат.  
Ушбу дунё кўнани ҳаёт худди ўхшаб кетар қиморга,  
Мен билганим. Сенинг бирла ҳисоблашин охираат.

Манагина мақмоқ тушди, жароҳати азобдир.

### ДАРДЛАРИМ МАНИМ

Дунёдан ненидир олиб яшадим,  
Дунёдаги меҳримни бериб яшадим.  
Ушунасиб қалерда териб яшадим,  
Шоҳлигим Сизга, дўст, дардларим маним.

Савбери бўлмадим дунёни кезиб,  
Савбери бўлмадим ёлгон шеър тизиб,  
Соланқ дўст василада эгилди тиззим,  
Шоҳлигим Сизга, дўст, дардларим маним.

Мен шуҳрат тожини даъво қилмадим,  
Рост берган мақтовдан ҳаво қилмадим,  
Ҳам алтар сўзимни адо қилмадим,  
Шоҳлигим Сизга, дўст, дардларим маним.

Биродар, энг яхши куним Сизники,  
Ушун қиз фараидим, тўйим Сизники,  
Юракдан сизққани кўйим Сизники,  
Шоҳлигим Сизга, дўст, дардларим маним.

Номингдан ўргилай, дард берган Худо,  
Шеърин ҳам, сўзни ҳам қарз берган Худо,  
Манглайга тугамас туз берган Худо,  
Дустларга шодлиг-у ғам бўлсин маним!

Дунёдан ненидир олиб яшадим...

## ЧҮКИБ БОРМОҚДАМАН

Чўкиб бормоқдаман кунда ер томон,  
Тақдир китобини ўқиб бораман.  
Кутиб ол, сен унда, Баднуззамон,  
Сенга янги шеърлар ўқиб бераман.

Балки ярагулик сатрларим йўқ,  
Балки қуруқ гаплар улар шунчаки.  
Улар ўзимники, кўнглинг бўлсин тўқ,  
Ҳеч кимдан олмаганман кўчириб.

Сен найраг қурбони бўлгансан, мен-чи?  
Минг битта ғанимдан бошимда шишлар.  
Уримни қайчилар бир каслар кекчил,  
Юрагим занглабди дунёвий ишлар.

Мана мен улардан тоғиб юз тубан,  
Кетиб бормоқдаман тинч бир очунга.  
Сенга заҳар берган мардни кутиб ман,  
Бироз ушланиб қолдим чоғимда.

...Сен мени кутиб ол, Баднуззамон.

\* \* \*

Ажаб ҳижрон сўзи тушганми корга,  
Ҳисларим қоғозга қилурман баён.  
Топингум келади боз сендек ёрга,  
Кўзларим тубида аксинг намоян.  
Ҳижронда хатоинг кечириб минг бор.  
Ҳеч гап ўтмагандай суяман ўзим.  
Ўзим кетдим, Сени атаб гуноҳкор,  
Ажаб, яна нечун куяман ўзим?

## ҲОЛАТ

Мен ётардим беҳол ва бемор,  
Енимдан ўтдилар бепарво.  
Энди қайта туropolмас, дея  
Ҳолатимга бердилар баҳо.

Мен эса Оллоҳдан куч сўраб  
Иродам тўлладим қўлимга.  
Умид нури илоҳам бўлиб,  
Поёндозлар отди йўлимга.

Энтикиб тирилдим бу бахтдан  
Сўкилдилар Армон чоқлари.  
Остонамга чорлайди мени  
Руҳимнинг ой келинчақлари.

\* \* \*

Сиз ўзга аёлларни асрадингиз кўл,  
Уларнинг тарафин олдингиз ёниб.  
Уларга ҳимоя — ҳар сўзингиз ўқ,  
Уларнинг қошида битта мен ғариб.

Сотқин қўлларингиз ораларидан  
Сирғалиб-сирғалиб чиқиб боряпман.  
Ичимга ўрлаган дод-орларимдан  
Қип-қизил қонимга чўкиб боряпман.

Мен яшар Ватаннинг остонасида  
Ҳиёнат итлари ётибди ухлаб.  
Сийлайсиз уларни устихонимдан,  
Ўзгалар аёлин ўтасиз ялаб.

## ҚАРҒИШ

Менга деган бўсаларинг энди керакмас,  
Сен уларни ҳада қилгил қалби бўшларга.  
Ширинсухан гуфторлигинг менга эрмакмас,  
Мақтов қилиб ёғ уларни қаламқошларга.

Эркалович сўзларинг ҳам мен учун ҳечдир,  
Энди сени топирурман Толе қўлига.  
Қўларимга тикилма, қўй, энди бил кечдир,  
Гиналарга ўрин йўқдир, ул ҳам йўлига.

Берган қуюқ ваъдаларинг қуймоғинг бўлсин,  
Мажнун бўлиб сахро кезма, йўқдир фойдаси.  
Ушлаганим қирмиз гуллар нигоҳинг ўйсин,  
Афсусларнинг ҳеч бўлмасин кети, адоғи.

Сени деган ўшал дамлар айлансин тушга,  
Тушларингда қил тор бўлсин тўлғонган сочим.  
Мен ҳам энди ул дамларни юрарман хушлаб,  
Зор айласин сени мудом Висол қувончи.

Мен кирган туш ҳеч ўнгилан келмасин, иллоҳ.

\* \* \*

Сир эмас мен танҳо сени севардим,  
Боладай пок меҳр, шаффоф туйғу-ла.  
Ҳижронда сочларим ёзиб йиғлардим,  
Мен билан йиғларди ҳурқиз-туйғулар.

Сир эмас ниқимнинг танҳо султони,  
Ишқ тожим бошингда эрурди олмос.  
Пинҳона боғлардим сочларим билан,  
Боладан минг хаёл бўларди мерос.

Энди соғинчларим сир қолсин мангу,  
Қадрсиз қолган ул туйғуларим ҳам.  
Ҳисларим тушуниб етолмаган ул  
Беғуноҳ йигитга нима ҳам дейман?

## ЎКСИНИШ

Юрагим боладай чопқиллаб кетди,  
Долазорга урди ўзини.  
Унинг ҳам кетидан тушди бир ганим,  
Ўлчаб бораверди изини.  
Таъқиб этман, дейман, Шубҳалар,  
Ҳеч ким билан ишим йўқ, ахир!  
Тинч қўйингиз, қабиҳ шевалар,  
Бунча сизнинг кўнглингиз бахил?  
Бола каби беғубор бир дам  
лолазорни кезсам не бўлмиш?  
Кўнглима қул тушиб Иродам,  
Гўзалликни макон айламиш.  
Йўлда тошга урилган бола.  
Бу йиқилган юрагим саси.  
Овутолмай қўплар овора,  
Лола ранги шундандир асли.

Юрагим йиқилган боладай йиғлар.

## ГИНА

Мен дарёдай ухламадим,  
Мен шамолдай тинмадим.  
Қўшиқларим куйлар ошиқ,  
Уйғоқлигим билмадинг.

Денгиз бўлиб шовуладим,  
Оташ ишқдан кўладим.  
Борлиқ менга қўшилди, сен  
Муштоқлигим билмадинг.

Теракларнинг барги кумуш,  
Қумушга ип уладим.  
Маржон тиздим улардан мен,  
Қувноқлигим билмадинг.

Сабух гули бўлдим тонгла,  
Булбул бўлдим, тинмадим.  
Наҳр бўлиб нур таратдим,  
Булоқлигим билмадинг.

Дарчаси берк бу дунёда,  
Гулга садо ийладим.  
Замин узра ҳар гиёҳга,  
Инжа шеърлар жойладим.

Утар умр карвоннда,  
Арчадайн синмадим.  
Куз келмайин титраб турган  
Япроқлингим билмадинг.

### КУЗ

Атиргул гулбаргига,  
недир келиб ёпишди.  
Дош беролмай гул барғи,  
зумда узилиб тушди.

Пойлаб турган қув шамол,  
гул баргини учирди.  
Энди унинг ошёнин  
сув бўйига кўчирди.

Соҳилдаги бир гўзал,  
Хаёлга чўмган эди.  
Оппоқ пўртаналарга  
оёғин кўмган эди.

Бирдан келиб оҳиста  
гулбарги қизни кучди.  
Бундан шайланиб ул қиз,  
Само бағрига учди.

Ул қиз тушгунча кўкдан,  
Янги гуллар очилар.  
Умр боғбони тинмай  
гул баргини қайчилар.

### ЯХШИЛИК

Яхшиям, ўртада олис йўллар бор,  
Яхшиям, тоғ тўсиб турар манзилни.  
Яхшиям, қул қилиб олмас Ихтиёр,  
Бўлмаса қор кечиб, ивиб, униқиб  
йўлга тушардинг.

Деразам чертардинг асабий ҳолда,  
Қўшниллар гумонин оширар эдинг.  
Дарпарда орқали боқиб хонамдан  
Кўрсатмай ўзимни яширар эдим,  
ўйга тушардинг.

Тамаки тортардинг устма-уст тинмай,  
Ўйлардинг: наҳотки у қайтмас энди?  
Тош бўлиб турардим қилардим билмай,  
қайғу қўшардим.

Яхшиям, Сабр бор—Орият ўғли,  
Яхшиям, Осмон бор кўнгил аталмиш.  
Бўлмаса барини бир четга қўйиб  
Йўлдаги умрлар хунлар ахтармиш,  
тилга тушардик.

...Яхшиям, ўртада олис йўллар бор.

### ЧУЛИ ИРОҚ

Чўли ироқ,  
Сендан яна кетолмай йироқ,  
Сеҳрли оҳангларишга суяниб қолдим.  
Қораю оқ рангларишга ўралиб қолиб,  
Оташ нидолардан қўлимга олиб,  
Ўкиниб-ўкиниб йиғладим яна.  
Билмадим, бунчалар юрагим қақшар?  
Бу ғам менкига бунча ҳам ўхшар?  
Вужудим тилкалаб, руҳим тилкалаб,  
Чўли биёбонга чиқариб ташлар.  
Саросар йиғладим отамни излаб,  
Умидни узганми мендайн қиздан?  
Ғироқларда қолган болалигимни

Изладим ойдан ва олис юлдуздан.  
Сомон йўли каби сочилган ёдим  
Осмондан боқди онам мўлтираб,  
Нақадар бевафо экансан, дунё?  
Нақадар бебақо экансан, ё раб?  
Шунча азизларни қолдириб қайда,  
Асира айладинг ғофил бир дилга!  
Бугун мен соғинчни минг қўл-ла тутиб,  
Ташлайман сенингдек қудратли селга!  
Мен тоғлар бағрини тилдам кон излаб,  
Йўқотган Толенм юрибман сизлаб.  
Яхшилар, Сиз менга устун бўлинг деб,  
Ҳоринган руҳимни юрибман тезлаб,  
Чўли ироқ.  
Яна Сендан кетолмай йироқ,  
Дуторга боғланган дил торим чертиб,  
Ул дорга айланган сочларим ситиб,  
Чўли биёбондан эрким излайман,  
Асира Лайлидек нолон бўзлайман!

## ДУСТИМГА

Дарахтлардан сўра,  
беғубор бўлдимни унинг камоли?  
Кимдир баргин юлди, кимдир тирнади,  
Яна кимдир пичоқ билан ўйди ўз номин,  
хуллас, дарахт тани роҳат билмади.  
Дарёлардан сўра,  
Осон бўлдимкин унинг кечмиши?  
Кимдир сувин булгади, кимдир тупурди,  
Ким ҳаёсизларча ювди оёғин.  
Қотиллар қилмишини яширмоқ учун,  
Сувларга иргитди кирдикорларин.

Тоғлардан сўра,  
илма-тешик бўлган бағрига қара,  
тилла деб, қумуш деб кавлайвердилар.  
Маъдан деб боз қанча номларни тиркаб,  
каламаш сингари овлайвердилар,  
дилзада тоғларга қарагил, ахир.

Заминга қара,  
Тешик най-онанинг етмиш томири.  
Боласин устма-уст ерга қўйгандай,  
қоп-қора ридога чирмаб толей,  
Уни не куйларга солмади, айтай.  
Шуларни кўргин-да,  
ҳолимни англа.  
Ноним, тузим, ичар булогим,  
ётар тўшақларим тўлса заҳарга,  
Менинг ҳолим не ҳам кечарди?!

\* \* \*

Бул хона иккимизга қилади торлик,  
Хаёлар залвори сизмайди унга.  
Иккимиз илкида эзар Безорлик,  
Оҳлар тўлдиради уйни тутунга.

Бул кўча иккимизни сиздирмас тайин,  
Тошларнинг комидан чиқар илонлар.  
Кўнглимиз овламоқ бўлган Сўз майиб,  
Алдоқни сийлайди басир Имконлар.

Бул шаҳар зор эмас толесизларга,  
Кўнгил кўчасининг байроғи йиртиқ,  
Мис, темир тангалар терасиз ердан,  
Сизни қул бозори кутади интиқ.

Сиз ундан излайсиз Соғинч куйини,  
Тополмай кезасиз хомуш, дилзада.  
Билмайсиз Омаднинг олтин йўлини,  
Беркитиб туради чўян дарбоза.

Бул олам иккимизга қилади торлик.

## МУРУВВАТ

Тегирмонга қилдим мурувват,  
Шамол йўлин тўсдим зўр тошдай.  
Бул ишимга олдим мукофот,  
Шундан шамол увлар бу бошда.

Чархлалакка ҳамроҳ бўлди дил,  
Энди менинг тушларим хушёр,  
Ҳар тун келиб юзлаб парилар,  
Сув қуйишар бошимдан бисёр.

Раҳм қилдим шайтонваччага,  
Иблисни ҳам сийладим обдон.  
Дўзах кунин бошимга солди,  
Ағдарилди елкамга осмон.

Вужудимга сизмаган чечак —  
Муҳаббатни экдим юракка,  
Аmmo у ҳам руҳимда яшаб,  
Қиёматга бошлайди тикка.

Менинг учун, эзгуликларвар —  
Некбин туйгуларнинг зорига.  
Яна битта яхшилик қилсам,  
Ўргимчак ҳам осар дорига.

### ОРОМ ИҶҶ

Мен дунёни яраладим дард билан,  
Безиллайди фалак менинг додимдан.  
Чиқолмасман, нетай, Соғинч қабридан  
Шикаста кўнглимда ором йўқ.

Унутган хазинам бахт-да тескари,  
Қўйлагим ранглари борар эскириб,  
Диловар даврага отим қистадим,  
Шикаста кўнглимда ором йўқ.

Марварид гулида хаёлим бодроқ,  
Ҳозирча ҳеч ким йўқ улардан бойроқ,  
Шайтоннинг қўлида сийланар Алдоқ,  
Шикаста кўнглимда ором йўқ.

Минг азоб бағрида тўлгонса-да дил,  
Толедан бахт сўраб ўкиради тил.  
Дуч келган кимсага Худо, этма қул,  
Шикаста кўнглимда ором йўқ.

Биламан, Мағрурлик етар бошимга,  
Қаноат узилгай зил Бардошимдан.  
Сўнг заҳар қўшиллар еяр ошимга,  
Шикаста кўнглимда ором йўқ.

Оромим музларнинг бағрида тунар,  
Содиқ дўст Маҳшарда — бекагда кутар.  
Илонлар саф тортиб гулдаста тутар,  
Шикаста кўнглимда ором йўқ.

### ИСЕН

Бағримда бир мусофир йиғлар,  
Жандаларда, фаромуш, дилгир,  
Ул мусофир сағир кўнглимдир,  
Ноласидан этакларим ҳўл.

Юрагимни бир нидо тирнар,  
Лак-лак оққан қондан ҳолим танг.  
Бул мен яшар юпун ватандир,  
Ожизларга ожиздир Ватан.

Борлигимда ёнар аланга,  
Вужудимни кесади ёмон.  
Эй ёр, Сизни йўқотган дамлар,  
Мени ҳам хун айлади ҳижрон.

Кўзларимни ёндиради ёш,  
Ғам дийдамни айлади макон.  
Қўлларимдан ситилган бардош  
Қайта-қайта олаверар жон.

Тўйиб кетдим. Бари тугади,  
Ҳатто вафо қилмади юрак,  
Ўз қўлимда ул жон беради,  
Энди бундан кетмоғим керак.

Бағримдаги мусофир, кетдик,  
Эрк деганга берайлик жонни.  
Иймонсизга бериб қўймасдан  
Биз сизмаган ноҷор Ватанни,  
Бағримда бир мусофир йиғлар...

## КУЗ ВАЛЬСИ

Дарахдан узилган сўнгги бу япроқ,  
Сўлим куз машқига рақс тушарди.  
Энг сўнгги истаги қолмасин деб тоқ,  
Шамол ҳам увраниб тинмай жўшарди.

Бошлари айланиб, вужуди ёниб,  
Қизарган юзларин босар шамолга.  
Ёр, дарахт орасидаги ҳижроцдан тониб,  
Лабларин босади зарҳал паймонга.

Уйини тарк этган бевадай беҳол,  
Юраги увушар, тоқат бўлар тоқ,  
Олдинда турибди нотаниш висол,  
Олдинда ўлим бор, чекнимас мутлақ.

\* \* \*

Дарёни кўзлаб мен  
тошларни кўчдим,  
Бир қултум сув дея,  
Оролга учдим.  
Товоним ёридан  
аччиқ тузлардан.  
Шул ҳолга келтирган  
қалби музлардан  
дод дея, ортимга  
қайтдим поилож...  
Эй худо, бу дунё  
бўлмасдан фалаж  
сув бергил дарега,  
ташнага сабр.  
Бу дунё бўлмасдан  
сахрою қабр.

## ФИДОИЛИК

Тун кўнгироғи жаранглаган пайт,  
Адирлар пойига зиё чўккан пайт,  
Ёнингда сирдошинг — дўст бўлмаган пайт  
Мени хотирла!

Қўшиқлар янграса дилбар гўшагда,  
Хуш ҳаво мушк анбар келтирган дамда,  
Соғиниб юрагинг эзилганида,  
Мени хотирла!

Туморинг қатида седона мисол,  
Қалампирмунчоқ-ла оғанингда фол,  
Цароғон дамлардан тонганда иқбол,  
Мени хотирла!

Кўнгироқ товушда ташвиш бўлса гар,  
Юзингни куйдирса иссиқ кўз ёшлар,  
Бил, недир юрагим Сен томон бошлар —  
Учтум потирлаб!

## ҚИЙНОҚЛАРДА ЖОНИМ МЕНИНГ

Сиз киму мен кимман, ахир,  
Сизни деди танти тақдир.  
Лекин мени этар таҳқир,  
Қийноқларда жоним менинг.

Битта онам анда тутқин,  
Тополмайман аркнинг йўли.  
Боролмайман истаган кун,  
Фироқларда жоним менинг.

Ёлғиз қизим кела олмас,  
Кенг уйимга боши сиғмас.  
Бир сулувнинг жағи тинмас,  
Сўроқларда жоним менинг.

Дузах десаам олови йўқ,  
Қаро куним қалови йўқ,  
Юзсизларнинг ялови йўқ,  
Ингроқларда жоним менинг.

Тирикманми ёки ўлик?  
Бунча менинг кўзим сўник?  
Шеърларимнинг сўзи мунглик,  
Мудроқларда жоним менинг.

Дарёлардай оқди юрак,  
Бўлолмади ҳеч ким тиргак,  
Кафан бўлар биртиқ йўргак,  
Тупроқ бўлар жисмим менинг.

Бунча эзди мени ТАҚДИР!

### УКИНЧ

Дунё, шунча тилсимдирсан,  
дарёларинг ҳайқирдиқ.

Сенинг ўтар ҳар бир кунинг  
муҳаббатдай серқилиқ.

Дунё, менинг қароғимда,  
кулиб турар суратинг.

Борлиғимда илинж шаъми,  
тирилтирар журъатни.

Шул журъат-ла айтгум сенга:  
мени бунча йиғлатдинг?

Мен мард эдим, лекин нечун,  
рангу рўйим саргайтдинг?

Дунё, мени аямадинг,  
тушунмадинг, ҳатто, сен.

Менга деган қисматлар мўрт,  
Сенинг энг зўр хатонг — Мен

Ҳақни айтиб ёмон бўлдим,

Ҳақ йўлида таландим.

Ҳақни айтиб ёмон бўлдим,

Ҳақни айтиб алдандим,

Дунё сенинг хатойингман,  
дунё, сенинг дардингман.

Сен ҳаётим тўлдирмадинг,  
мен ҳам сенинг камингман.

«Ўтар дунё», дейдилар-у,  
синар дунё экансан.

Салтанатнинг ёлғиз тожи,

қолар дунё экансан.

Дунё, дунё, менадан баттар,

беҳол дунё экансан!

### ТУРНАЛАР

Турналар маржонин кўрганда кўкда,  
Бағримга сизмасди қувонч, ҳаяжон.  
Улармас, гўёки мен учиб ўқдай  
Арғимчоқ ипига осиларди жон.

Ўчинга иштиёқ мунчалар кучли!  
Болалик хаёли бойланиб ойга,  
Гўёки ўзимга бордайнн ўчим,  
Чопардим йиқилиб гоҳ қир, гоҳ ёйга.

Бугун ҳам турналар учарлар кўкда,  
Юрагим қизийди боқаман вазмин.  
Дилгирман учининг чораси йўқдай,  
Қўлларим қўймасдан гўё бул замин.

Ҳа, энди турнадай уча олмасман,  
Ҳаяжон айланди букун ҳайратга.  
Шеър аро шоҳ сатрим топа олмасдан,  
Қарз бўлиб яшайман мен шеърятдан.

### СИЗ МЕНИНГ БАХТИМСИЗ

Сиз менинг бахтимсиз ярақлаб турган,  
Тиллоранг туйғулар эъозда ҳар он.  
Дарёдай изларим кенг роҳлар кўрган  
Дамларда қашқирдай увлайди Ҳижрон.

Сиз менинг Армоним, толесиз фаслим,  
Хазонрез япроқлар йўлимда йиғлар.  
Қалбда Ишқ дўнади бордайнн қасди,  
Товошим тилади игнадай музлар.

Сиз менинг Кўшиғим Соғинчдан толган,  
Армоним, ардоғим, тириклик оним.  
Фанодан ёлвориб омонат олган  
Бирда бор, бирда йўқ юпун жаҳоним.

## ТУШКҮНЛІК

Тудасидан айрилган қушдай,  
Кафтингизга қандоқ ҳам кўндим?  
Қулар ұтди алдоқчи тушдай,  
Иесің-совуқ барига кўндим.

Тақдир, дедим, овчи мерганим,  
Беҳаловат умр ҳам синди.  
Ситамларга мардадай чидадим,  
Юзларимга чандиқлар инди.

Балки ёмон эмассиз, чунки  
Сиздан гўзал фарзандлар кўрдим,  
Уларни шамолдан аерадим, лекин  
Уйиңгиз ичига ўзимни кўмдим.

\* \* \*

Кўнглимга Ой ботди, чиқши қийин.  
Кўзимдан сой оқди, тиниши қийин.  
Ой бўлсанг нетарди, тўлардинг бир кун,  
Сой бўлсанг сайроқ қуш сўйлардинг бир кун.  
Най бўлди сой узра ўсган қамишлар,  
Ул дилдан бир ситиб кўшиқ қилмишлар.  
Бу дунё ишқимни қилар овоза,  
Тешик най оғзига йўқдир дарвоза.  
Кўнглимга ой ботди, хулласи қизил,  
Сой узра чўлланган шуъла — сир... изим.

\* \* \*

Мен ружуъ қўймадим фоний дунёга,  
Ҳаётим йўймадим қалтис риёга  
Соғиниб яшадим Ишққа, Баҳорга,  
Азизим, кел, кемтик жаҳоним тўлдир.

Кузимни кутмадим кўзда ёш билан,  
Савдолар оғритган маънос бош билан,  
Қуларим ўтдилар баҳс-талаш билан,  
Азизим, кел, ҳасрат замоним тўлдир.

Душманинг ваҳмидан яшадим кўрқмай,  
Узганинг ошига кўлимни тикмай.  
Лек дардинг дилимга санчилган тигдай  
Азизим, кел, тоғдай армоним ўлдир.

Боғ аро изладим ўз гули-сайдим,  
Момоннинг дуторин қўллар кўмсайди.  
Қошки, дил амрига тақдир кўнсайди,  
Аммо бу ёлғизлик танлаган йўлдир.

Азизим...

## БАРДОШ ҚУШИГИ

Гўёки кўрмаган бўласиз мени,  
Номимни билмаган бўласиз менинг.  
Борлигим сезмаган бўласиз, лекин  
Недир мени бўға бошлайди...

Бир садо чиқмайди — гунг икки тараф,  
Бардош ҳам ингранар кўзларга қараб.  
Ёрилиб кетади деворлар додлаб,  
Ўксик мени бўға бошлайди.

Чойнакдан дарёнинг саси келади,  
Гуллардан даланинг иси келади.  
Қўлимдан чиққан нон ҳиди қулф урар,  
Сиздаги беғамлик бўға бошлайди.

Дўппингиз бир қоқиб кийдингиз бошга,  
Қараб ҳам қўймайин чиқдингиз ташга.  
Видолар айтдим-да мен ҳам Бардошга,  
Остонага ўзим ташладим.

Билмадим бул ҳолат қанча чўзилди,  
Ушал кун юракдан недир узилди.  
Номи йўқ бир дардаг мингги қўшилди.  
Армон қўшигини айта бошладим.

... Гўёки кўрмаган бўласиз мени.

Мен Сиздан кетдим. Қизик, нечун,  
Ингламайсиз кўракка муштлаб?  
Нечун бор йўлларни тўсиб, қиёлаб,  
Қўлларимдан қолмайсиз ушлаб?

Қизик, Нечун мен ҳам ўкиниб,  
Ингломайман сочларим юлиб?  
Нечун бу дунёни бузмасман,  
Бир йўлбарсдай беҳад ўкириб?

Қизик, нечун бефарқмиз бунча?  
Бунча лоқайд ҳар иккимиз ҳам?  
Бизни кулиб қарши олди-я,  
Узун бўйли, темир тишли Ғам.

### ҚУШИГИМ

Чакиллаб оқмагил, юрагим,  
Бор ҳали сенинг кўп керагинг.  
Тарк этма менингдек телбани,  
Инглама, ярадор қўшигим.

Отамни қаёққа кузатдим,  
Акам ҳам, укам ҳам узлатда.  
Хижроннинг олови музлатди,  
Инглама, ғуссадор қўшигим.

Дуторим торлари узилди,  
Лоалалар йўлимда чўзилди.  
Оромим олами бузилди,  
Инглама, нолакор қўшигим.

Дўстларим қадами бозорда,  
Мирисиз ошнадан бездилар.  
Хаёллар аридай тўздилар,  
Инглама, дилафгор қўшигим.

Чакиллаб бир кунни тугайсан,  
Йўлимни маҳшарга улайсан.  
Азроил пойига қулайсан,  
Инглама, ғуссадор қўшигим.

### ЧОРЛОВ

Ҳоргин ер ҳайдовчи сояга чўкди,  
Унинг кўз олдида тутунли ўчоқ.  
Меҳмондўст какку ҳам чорловда бўлди,  
Келақол, дегандай, кеч қолган кўноқ.

Шамол-да қирғоқдан топди тичинни,  
Қий-чувли бозорда тугади савдо,  
Бедаси ўрилган далалар жимиб,  
Кўкдаги юлдузга боқади шайдо.

Юлдузлар, худдики, ердаги гуллар  
Ҳавасинг келади боққанинг сайин.  
Раанглари топ-тоза, гўёки хурлар  
Тегранда рақс тушар, қадами майин.

Бошимда бир тоза хаёллар уйғоқ,  
Дунёда ғам-ғусса йўқдайин абад.  
Ҳориган кўксимда сирли кўнгироқ,  
Ўзингни шарафлар гузал муҳаббат.

Беташиш меҳмоннинг ёнига бориб,  
Чой ичдим у билан ўчоқ бошида.  
Гулханнинг тафтидай Сени соғиниб,  
Васлингни изладим юлдуз қошидан.

Қайдасан, эй менинг тоза хаёлим?  
Дала-туз бағрида тинчгина кўрган?  
Тириклик ташвишини унутиб бир зум,  
Беғубор бу дамда бўлиб кет меҳмон.

### ҚАМБАР МОМОГА

Момо, бутун қадрингиз жуда ҳам билинмоқда,  
Қандоқ ҳам бериб қўйдим Сизни совуқ тупроққа?  
Бул ҳаёт сўхмоқларин тикоти кўринмоқда,  
Тугён кесар борлиқини, соғинч юрак-эзмоқда.

Сиз-ла ўтган кунларни эртакка қиёсладим,  
Поёни йўқ Орзунинг чаманида кезардим.  
Ёдгор қолган дуторни кўпол қўл-ла созладим,  
Эсласангиз сўз дурин маржон қилиб тизардик.

Гар табнат бағрида бир мўъжиза ярқ этиб,  
Остонамда Сиз яна пайдо бўлиб қолсангиз,  
Қуёшни жинга қилиб сенга келтирдим, дея  
Қошки эди боладай боз мени алдасангиз.

Бир пайтлари қамчидек сочларингиз тўлғониб,  
От устида Барчиндай қоматингиз дол турса,  
Қўлингизни тутганда жисми-жоним чулғаниб,  
Қулбам ичра чеҳрангиз кўкдаги ойдай қулса.

Леки парилар ой бўлган эртақ ҳам тирилмади,  
Ҳаёт довули ураб кўздан оққан ёшларим.  
Қанча ёлвормай, лекин «Ёрилтош» ёрилмади,  
Мен ҳам «Борса келмас»ни бугун таний бошладим.

Маҳшар бекати яқин кўришармиз, иншооллоҳ,  
Фиротнинг жабдуғини, момо, созлаб турунгиз,  
Бандаликнинг байрамин ато этган кун Оллоҳ,  
Имондан байроқ ушлаб йўлларимга чиқингиз.

Парилари ой бўлган эртақ ҳам тирилмади.

\* \* \*

Ҳидлари келади ердан отамнинг,  
Қаро ерни тўлдириб ётган  
Отамнинг.  
Ундан яна келар Онаминг,  
Кўз ёшларин аччиқ таъми ҳам.  
Юрагимда ботмасми жонларим,  
изларим  
Сизга?

Оғир ботмасми,  
Шу жусамнинг қоқ суякларини?  
Сал ноўнғай ҳаракат қилсам,  
Сирқирайди етмиш бўғиним.  
бойчечакларини  
тавоб қилиб қўйдим бошимга.  
Орзуларим  
ҳалинчакларин  
Учин тугдим куч бардошимга.

Қандай Отам бор эди маним?  
Қандай Онам — Барчиндай сулуви!  
Инглаб, мен-ла,  
бойчечакларим,  
Елғиз қолган кезларим маним.

Мажнунтоллар,  
оқ толлар-ҳўнграб  
инглаб турган қизларим-маним,  
Нима қилсам бермасман озор,  
ва бул юртни қилгайман гулзор?  
Отам хоки, кўллангиз мени,  
Онам бўлиб суянгиз мени!  
Ҳидлари келади ушбу тонг ердан  
Райҳон исли аждолларимнинг,  
Пахта бўлиб, очилар кўзи  
Муҳаббатдай жононларимнинг.

## БАНДАНГИРМАН

Эй ёрим! Сиз бирла гуноҳга ботдим,  
Узимни Касофат пойига отдим,  
Сўнг яна инглабон Қуръонга айтдим:  
Бандангдирман, кечир, худойим!

Оқибат йўлини калта ўйлабман,  
Дўст қолиб ганимга кулиб сўйлабман.  
Жаҳолат комини билмай бўйлабман,  
Бандангдирман, кечир, худойим!

Қуръонни кутдириб, неларни тутдим,  
Худони чет қўйиб, кўнгилни кутдим.  
Уз онам тилини гўё унутдим.  
Бандангдирман, кечир, худойим!

Эй отам! Мен Сизни қайга кузатдим,  
Қандоғам хайр, дея совуқ сўз айтдим.  
Инглаб ўқирсам-да, ортимга қайтдим,  
Бандангдирман, кечир, худойим!

Мен бир дам тинмадим, югурдим, елдим,  
Узимни ахтардим Турондек элдин.  
Қадимни тикладим қум тўла селдин,  
Бандангдирман, кечир, худойим!

## БУ ДУНЁ НЕ УЗИ?

Бу дунё не ўзи? Оқ тонгми? *Ура*  
Сиз улар бағрида кимсиз, азиз ёр?  
Жуда кўп айтилди айбловчи нутқ.  
Шу сабаб юракда қатма-қат озор?

Бу дунё не ўзи? Талотўп майдон,  
Савдогар молидек кўз-кўздир бори.  
Ҳар каснинг ёнида бўйдор Пушаймон,  
Ўқинчининг пойида йнглар Армонли.

Бу дунё не ўзи? Алдоқ қўшини,  
Тонгдан то тун қадар янграб туради.  
Алёрга оҳ-уҳлар чунон қўшилиб  
Шодмонлик қопқасин бузиб туради.

Бу дунё не ўзи? Ширин тасалли,  
Ҳаётни мангу деб сарпо йнғади.  
Ва ўша сарпосини бир кун келиб,  
Онангдай устингга ёпиб қўяди.

Бу дунё не ўзи? Тиллоранг оташ.  
Ҳаммани ўзига тортиб яшайди.  
Кимгадир тиллосини кўпроқ беради,  
Кимгадир ташвишлар ортиб яшайди.

Бу дунё не ўзи? Тавба, ё қасдми?  
Бир кун тўй эрур, икки кун аза.  
Нурли хаёллардан кунни мақсадли  
Тунда эгилган шайтон — раққоса.

Бу дунё не ўзи? Шўр очган дала,  
Ошноқ олмалар ва аччиқ қалампир.  
Бизлар ҳам энг етук каслар эмасмиз,  
Бироз даҳодирмиз, бироз қаландар.

## МУНГЛИ БОЛАГА

Букун менинг юрагим тўкилиб борар,  
Кўвончим бўғизлаб ғам кетиб борар.  
Кимнингдир гуноҳи қўлимдан тортар,  
Болажон, сен нечун йнглаб турибсан?

Шундоқ ҳам осонмас шоир қисмати,  
Куюкдан куюкдир ашъорини сағри.  
Не учун сезмайсан ҳаловат тафтин,  
Болажон, сен нечун титраб турибсан?

Сен ётган ой бешик бугун қайларда?  
Айтилмаган алла тешик найларда.  
Елғизлик сийланди бунча оҳларда?  
Болажон, сен нечун ишраб турибсан?

Саховатпешалар чиқур йўлингдан,  
Бир кун тутмишдир азиз қўлингдан.  
Азият ҳайдалмиш мурғак дилингдан,  
Болажон, сен нечун ҳуркиб турибсан?

Сен олов тулпорларда елишинг керак,  
Чақмоқдай чарсиллаб келишинг керак.  
Кўксингдан ўт олиб беришинг керак,  
Болажон, сен нечун сўниб турибсан?

Бул дайрул фанонинг юраги дардли,  
Оқ ойдин сут эрур меҳрининг қадри.  
Бошингни ғоз кўтар букун, эй мардим,  
Кун келур Ҳизрдан ҳиммат кўурсан.

Букун менинг юрагим тўкилиб борар...

## ДАРЕГА КЕЛ

### Қўшиқ

Дарёга йўл солар бўлсам,  
Чаманга йўл олар бўлсам,  
Қалбим сенга талпинади,  
Соғинганим билармисан!

### Наҳорат:

Гар соғинсанг дарёга кел,  
Қирғоғи гул диёрга кел.  
Жийда исни тарар еллар,  
Уммонга кел, ифорга кел.

Дарё суви сочим бўлиб,  
Тўлқинлари чорсунг бўлиб,  
Йўлларингда турарман, ёр,  
Қирқ кокилли Барчин бўлиб.

#### Нақорат

Бир балиқчи бўлиб келсанг,  
Йўлимга тўр солиб келсанг,  
Унга жон деб тушай ўзим,  
Ошиқлардан ғолиб келсанг.

#### Нақорат

Орзумдаги ойдин кўшиқ,  
Яратганим — найдан кўшиқ,  
Ул кўшиқнинг номи висол,  
Топганим сен — олтин кўшиқ.

#### Нақорат

### КИМГА ОСОН

Мен чақмоқдан яралганман,  
Менга қийин, ёрижон,  
Оловим-ла яралган  
Сизга қийин, ёрижон.  
Ҳар тошлар бор йўлларимда  
Ларзон-ларзон ёрилар.  
Суриб қўяй десам уни  
Қўлим қўймас парилар.  
Чақинлари чарсиллаб,  
Томирларим куйдирар.  
Юзга урар тарсиллаб,  
Оловлари ўлдирар.  
Чақмоқ ёрни ташлаган  
Сизга қийин, ёрижон.  
Шуълаларда ҳолланган  
Сўзга қийин, ёрижон.  
Юрагимдан оғриқлар  
Туташади дарёга.

Шул сабадан тўлқинлар  
Ўкиради Самога,  
Ўз-ўзи билан ёнган  
Оловман, унутмангиз.  
Босдим куюк оламини,  
Менга осон тутмангиз.  
Оловимда лов ёнган  
Сизга қийин, ёрижон.  
Ўчиролмай гулхани  
Бизга қийин, ёрижон.

\* \* \*

Сен менга севгидан айтмадинг,  
Баъзилардай ичмадинг қасам.  
Мен ҳам сенга этмадим изҳор,  
Бефарқ эдим ўзингга мен ҳам.  
Лек тингладинг сўзларим жон деб,  
Сен ҳам менга айтмадинг эртақ.  
«Менга иқбол кўп йироқ», дединг,  
Нечун шу дам ўртанди юрак?  
Билсанг, сени бетоле демай,  
Гўдагимдай аяб юрибман.  
Йироқдан чин содиқ дўстингдай  
Омадингни тилаб юрибман.

### РАШК

Сени кинотдан устун қўйган кун,  
Баланд осмондан-да, юксак қўйган кун,  
Юлдузлардан ёруғ толган кун,  
Шайн гуллардан нозик толган кун,  
Борлиқдан ўзингни айириб олиб  
Ҳаммасидан гўзал кўрган кун.  
Сув, ҳаво, тоғ, гуллар  
Мени ўлдирарлар...  
Сендан жудо қилмоқлик учун.

Яна бир кун севгисиз ўтди,  
Бугдойнинг бўш бошоғи мисол.  
Армон менинг пешонам ўпди,  
Судралар кун мен-ла бемажол.

Яна бир кун севгисиз ўтди,  
Мен айрилдим нурли иқболдан.  
Ул келар деб узун кун кутдим,  
Синар бўлди дарчам бу ҳолдан.

Ишқсиз ўтган кунда кўшиқ йўқ,  
Кўшиқларсиз қолдим бенмкон.  
Ул хонамга кирмади қайтиб,  
От қўйдим мен ул кунга: «Ҳижрон».

### МАРД ЭРГА

Сизнинг юрагингиз мазорим бўлди,  
Қувонч жой топмади — дил зорим бўлди.  
Отингиз ёллари қил дорим бўлди,  
Мард бегим, Сиз энди тирик ёр изланг.

Алвон дурраларим шамолда учди,  
Қирмиз кўйлақларим ранглари ўчди.  
Ишончим тоғидан исмиңгиз кўчди,  
Мард бегим, Сиз энди сулув ёр изланг.

Сиз боққан уфқмас, менинг қон бағрим,  
Манзилга етмаган тулпорим яғри.  
Мен яшар уйларнинг девори сағир,  
Мард бегим, Сиз энди тўкис ёр изланг.

Сиз менадан бир йигит умридай қарэсиз,  
Кўз ёши қуриган Оролдай дардсиз.  
Менингдак аёлни хўрлаган мардсиз,  
Мард бегим, Сиз энди ойдан ёр изланг.

Дарахтнинг энг сўнги япроғи — менман,  
Саргайган гулларга мен ғариб элман.  
Сетордан таралган бағри хун селман,  
Мард бегим, Сиз энди дарё ёр изланг.

Сиз гумон умрининг йилт этган ёши,  
Сўлим Ишқ қабрининг хотира тоши.  
Кечиринг, тутади метин бардошим,  
Мард бегим, Сиз энди темир ёр изланг.

### НИКОҲ УЗУГИ

Қўлимни қисаётир никоҳ узуги.  
А. Шер

Қўлингни қисса гар никоҳ узуги  
Не бўлти? Юрагим снғмас кўкракка.  
Жонимнинг риштаси минг бор узилиб,  
Рози бўп яшайди тезда ўлмакка.

Қўл дейсан, Юмуш-ла овунар улар,  
Кемирар Ғам-алам менинг ич-этим.  
Исёндан тинмайди сағир орзулар,  
Савалайди Аллоқ бетиним.

Қўлларинг жойида. Мен эса кунда  
Бир қадам тупроққа кириб борурман.  
Кўк узоқ. Яқини ер экан билсам,  
Яқин ер кўксига сингиб борурман.

Қўлларинг жойида узук қисса ҳам.

### АРМОНЛИ ДУНЕГА

Кўз ёшларим тилло эди, билмадинг,  
Тиллоларни аямадим — йиғладим.  
Оҳ, бу дунё бунчалар ҳам бешафқат? —  
Бойбекалар назарига илмади.

Нафасимдан ёғиларди кумушлар,  
Аямадим — ер-кўк узра учдилар.  
Олтин, кумуш кўзларимдан оқса-да,  
Бойбекалар менадан йироқ қочдилар.

Қўлларимда ўйнаб турган жавоҳир —  
Қаламимдан туғилган ҳар тоза шеър,

Қадр-қиммат ато этган бўлса-да,  
Бойбекалар мени назар илмади.

Кўз ёшимдан тилло узук тақдилар,  
Қумушимдан не кўзларни ёқдилар.  
Шеърларимнинг бир сўзини тан олмай,  
Мени четлаб, семиз кизни боқдилар.

Оҳ, отамдай тушунмаган бу дунё,  
Палаҳмоннинг тоши этган бу дунё  
Мен ғарибнинг шайдолиги не экан? —  
Бойбекани ғолиб этган бу дунё!

... Кўз ёшларим тилло эди, билмадинг!

### МЕН ТИРИК ИНСОНМАН

*(Маъсуди Даврондан)*

Мен тирик инсонман, тегмангиз ахир,  
Яшаш-чун ҳуқуқим бор эрур менинг.  
Фазо бўшлиқлари ўз йўлигадир,  
Бул замин бағрида тинч қўйинг, мани.

Мен кўйчи булбулман — қафаси билмас,  
Мендаги қалб гўё япроғи гулнинг.  
Фазо бўшлиқлари ўз йўлигадир,  
Бул замин бағрида тинч қўйинг, мани.

Дўст тутиб суйсангиз шакар тилим бор,  
Томчидан тўпланган сел-дардим менинг.  
Фазо бўшлиқлари ўз йўлигадир,  
Бул замин бағрида тинч қўйинг, мани.

Мен тоғдан, чўл, денгиз, чинор дарахтдан,  
Қарз учун олганман кечар ҳаётни.  
Фазо бўшлиқлари ўз йўлигадир,  
Бул замин бағрида тинч қўйинг, мани.

### ЭИ, ДҲСТ

Бу жаҳонга на деб келдинг, на деб елдинг, айт-чи,  
эй дўст,  
Парвонанинг қанотларин қирқолмагай қайчи, эй дўст,  
Айтар бўлсанг иқтибосинг, капалаклар найчи, эй дўст,  
Кўзим ёши селоб бўлди, англолмадинг мени ҳаргиз.

Тирамоҳда тиниқ оққан анҳор бўлдим йўлинг узра,  
Умид байроғини сундим қалтираган қўлинг узра,  
Айтилмаган бир ном бўлдим калимасиз дилинг узра,  
Орзулардин тойиб кетдинг, хушлолмадинг мени ҳаргиз.

Ғайб чаманин хушлаб ўтдинг, тиконлар тилди кўксимни,  
Илон захрини май қилдинг, бардошлар кетди депсиниб,  
Манманликнинг қули бўлдинг, вафолар ўтди ўксиниб,  
Ўзингни кўп мақтаб ўтдинг, кўролмадинг мени ҳаргиз.

Ишқ умрининг кемасидир, унда ёлғиз ўтодурсан,  
Юрагингни минг кесувчи Соғинчдан қон ютодурсан,  
Умид, илинж Паймонамни нўш этувчи юҳодурсан,  
Вужудининг иймони узра асролмадинг мени ҳаргиз.

Сенга умримдан бож тўлаб, кўзларимдан ватан бердим,  
Сен ҳам Худо бандасан, даврон учун имкон бердим.  
Иқбол гули сарғайса-да, руҳиятдан дармон бердим,  
Шарофатнинг бағри кенгдир, билолмадинг уни ҳаргиз.

### ЭСКИ ЙИЛНИНГ ОХИРГИ КУНИ

Бугун эски йилнинг охирги куни,  
Янги йил базмига тайёргарлик чоқ.  
Умидим соатда турар илиниб,  
Қадрдон деразада ёниқдир чироқ.

Беқасам тўнингиз елкага ташлаб,  
Езасиз, чизасиз, узоқ ўйлайсиз.  
Эҳтимол, йил бўйи дилингиз ғашлаб,  
Келган бир мактубга жавоб йўллайсиз.

Столнинг тортмаси қоғоз тағида,  
Яширин расмимга боқасиз хомуш.

Уйлайсиз: «Наҳотки ул ташлаб кетди?  
Наҳотки ул кушлар қайтарилмас туш?»

Мен эса, армон-ла ўтган кунларни,  
Эски йил ҳукмига топшириб, жойлаб.  
Сизнинг деразадан кутиб неларни,  
Кетолмай турибман армонни шайлаб.

Ўртада тош қотган дераза ҳоким,  
Уйлайман, ойнаси синиб кетади.  
Бул мағрур аёлни жазолар-да жим,  
Ғам тўла юрагин тилиб кетади.

Энди Сиз дераза ортига келиб,  
Қор босган йўлакка боқасиз мунгли.  
Ғолиблик сезибми уйғоқ туйғуда,  
Янги йил бағрига экдим Умидни!

...Бугун эски йилнинг охириги кунни.

## УЙҚУСИЗ ТУНДА

Уйқум билмам қайга кетди?  
Сув ахтариб чўлга кетди.  
Қиприқларим соқчи қилиб,  
Бунча узоқ йўлга кетди?

Билмам уйқум қайга кетди?  
Паризод деб кўкка кетди?  
Куйдирай деб ҳасратларим  
Милтираган чўққа кетди.

Бу кеч уйқум қайга кетди?  
Куйн тинмас найга кетди.  
Миямга миҳ қоқиб фириб,  
Оқиб кетар сойга кетди.

Чўл, кўк, сой шундан уйғоқ,  
Менда эса қолди қийноқ.  
Кўзларимни этиб муштоқ,  
Уйқум бунча узоқ кетди?

Бунча узоқ йўлга кетди?

## НАСИБАМ

Кўксим ёниб бормоқда, ёниб бормоқда вужуд,  
Тун бағрида шам каби толиб бормоқда вужуд.  
Мен Шеърият қасрининг гардини кўзга сурдим,  
Толеним ёнмоқ экан, шеър деб ёнмоқда вужуд.

Насибамни Табиат мушкул отга боғлади,  
Ҳаётимни чайир қўл машғулотга боғлади.  
Мен Ҳайрат қаршида қолурман бесўз, бежон,  
Чироқ ўчмас тунларим кашфиётга боғлади.

Юрагимда қон қизир, қизиб борар ҳисларим,  
Шеърларимда қон изи — сизиб борар ҳисларим.  
Мен Тинчликни боламдай асрагайман аслида,  
Кўкдаги ул чақинмас, қўриқчи шул кўзларим.

Шеър — аслида ниҳона кўҳна олам ишқининг,  
Шеърлар асли маҳсули ташна олам ишқининг.  
Мен Лайлидек тўлғониб сева олдим, севилдим,  
Гуррос ишқдан куйиб ҳам сўниб қолмай, ишқилиб.

Атлас йўлли Шеърият саман соқи Гиркўкда,  
Ул Гиротнинг бўйида рўмолим учар кўкдан.  
Товондан оққан қондан лолалар униб чиқди,  
Етолмайман манзилга — саманим йўлда кўпдан!

Насибамни табиат мушкулотга боғлади.

\* \* \*

Унинг ёлғиз ўғли бор эди,  
Уруш ситиб олди ўғлини.  
Эл қатори нори бор эди,  
Мотам тешди она бағрини.

Эллик йилки, эртами-кечми,  
Умид билан боқади йўлга.  
У борлиқдан, дунёдан кечди,  
Ҳижрон тўри солди назмига.

Қишда қордай совуқ унлари,  
Келтирмади кўклам илиқлик.

Езда соябонсиз кушлари,  
Кузда яна ўсди интиқлик.

Она қалби қонли мактубдир,  
Уқиб бўлмас—алангаси зўр.  
Эллик йилки, жони умиддир,  
Елғизини кутиб яшар ул.

### ҚУДАЛАРИМГА

Жон қудалар, не десангиз ўша бўлайин,  
Топганимни жонларимга қўша берайин.  
Муштоқ кутган марақангиз бошлаб берайин,  
Ўтинаман, суяб ўтинг болаларимни.

Учар бўлса ўчоқдаги олов — мен ёнай,  
Ҳатто эшикдаги итингиздан ўргилай.  
Ҳаммол бўлиб чор тарафдан елиб-югурай,  
Ўтинаман, суяб ўтинг болаларимни.

Рўзгор деган мушкулотни ким билмас ахир,  
Миннат билан берилган нон турушдир — тахир.  
Сиз биласиз кўкармайдн бахилнинг боғи,  
Ўтинаман, суяб ўтинг болаларимни.

Сахийлардан бахил кўпроқ бу тор дунёда  
Суяги йўқ ғийбатчи кўп ғаддор дунёда.  
Болам боши эгилмасин бозор дунёда,  
Дўст бўлсангиз, суяб ўтинг болаларимни.

Айблари шу соддадилрлар, пишмаган боши,  
Лек бирор кун зориқмаган бор бўлган оши.  
Навбат билан айланар-ку тегирмон тоши,  
Қийнамангиз, суяги мўрт болаларимни!

Жон қудалар, суяб ўтинг болаларимни.

### ТАЛАБАМНИНГ ОНАСИГА

Мен Сенинг ҳаққингга дуо қиламан,  
Бодасан қўлимга ишонган Аёл.  
Сен ўтган йўллари тавоф қиламан,  
Қолажак бағрига шошаётган Аёл.

Сен менга ишонган маъсум ниҳолнинг  
Энг аввал «Ватан» деб чиққусен тили.  
Она деб, қуёш деб бидирлаб минг бор,  
Муқаллас номларни олгайдир биллиб.

Майли, менинг номим унутиб қўйса,  
Фақат унутмасин «Қуръон» сўзини.  
Елимдан чангитиб чопқиллаб ўтсин,  
Лек бошга тож қилсин Имон сўзини.

Шунда сен тиловат онда бир бор,  
Қамтарин касбимга дуо қилсанг бас.  
Болагинг асрасин «Ишқ» деган тумор,  
Ватан-ла уйқашдир она деган сас.

...Мен боланг ҳаққига дуо қиламан.

\* \* \*

Нонорд уруш йигитларни қйратди-ку, югди-ку,  
Не бир гулдай келичаклар «вой тўрам» деб, ўтди-ку.  
Ура, ура, 60 миллион эмас, кўлдир, кўлдир шаҳидлар  
Уруш суян қайга етса, қайгу ўлим етди-ку!

Қон қон йнглаб ўтди она юрагига нур тушмай,  
Ўтми қолган гўдаклар-чи кўнгиллари тўлишмай.  
Хонин ота ҳидига зор ота бўлса-да ўзлари,  
Она суян айтолмаслар дил-диллари увишмай.

Гўдаклар кулга айландилар шум урушнинг дастидан,  
Морларларга ўйилди ном тирикларнинг устидан.  
Уч йигитдан бири қайтди, баъзан учов қайтмади,  
Мотамсиро бўлди юртлар айрилиқнинг дастидан.

Вайрон бўлса бўлди, лекин қул бўлмади бул Ватан,  
Қочоққа, мунофиққа эл бўлмади бул Ватан.  
Виждонидан ўзга не бор қурбон бериб барчасин  
Босқинчино номард босар йўл бўлмади бул Ватан!  
...Олиб кетди нокас уруш йигитларнинг сарасин,  
Неча гўзал орзуларим туғилмаган боласин.

\* \* \*

Бўй қизларга қилиб таассуф,

Гул япроғин узади қизча:

— севади, севмайди.

Ҳаёт тўла қизиқ тасодиф.

Чор атрофни илғамай кўзи,

машгулоти фақат ўша гул:

севади, севмайди.

Узилган япроқ-ла оқди кўлмаклар,  
куз қўнди сершовқин боғнинг қўйнига.

Анҳор ёқасида бир сулув турар,

Кўзларин тикканча сув ўйнига

Узун хаёлларда бир сўроқ ҳоким:

— Келади, келмайди.

Ул беғам даврлар ёдланар гоҳи:

— севади, севмайди.

\* \* \*

Яхшиям, тун бор экан,  
Менга сирларингни айтмоқлик учун.

Яхшиям кун бор экан,

Кўнгил қирларини отмоқлик учун.

Яхшиям гул бор экан,

Лола хунларини ювмоқлик учун.

Яхшиям дил бор экан,

Қимлигингни беркитмоқ учун.

## ХОКСОРЛИК

*Кумушбиби эмас, Тупроқбиби гэдди.  
Кумушбиби мактубидан*

Сиз тупроқ бўлсангиз, унда мен кимман?  
Саҳрода саробдай тўзғиган қумман.  
Ҳарифдан енгилган озорли унман,  
Алам мени кунда ўлдирирар.

Сиз тупроқ бўлсангиз унда мен кимман?  
Эрки йўқ оҳудай занжирбанд қулман.  
Бошида эри бор, лек бағри тулман,  
Ҳижрон мени кунда ўлдирирар.

Сиз тупроқ бўлсангиз, унда мен кимман?  
Тиллоранг туйғуни асраган кинман.  
Дардин айтолмаган бемкон гунгман,  
Алам мени кунда ўлдирирар.

Сиз тупроқ бўлсангиз, унда мен кимман?  
Мен Сиздай Тупроқда етилган Гулман.  
Сизга снғинувчи руҳлардай ҳурман,  
Сиздан қолган алам ўлдирирар.

...Сиз тупроқ бўлсангиз, унда мен гўрман.

## АҚАМГА

Ҳаёт мени қаттиқ синади,  
Қутилмаган ҳижронни йўллаб.  
Укинч манглаймни «силади»,  
Довдир-довдир юраман сўйлаб.

Тушларимга қирар бостириб,  
Тулпор минган ёлғиз чавандоз.  
Чақираман уни босдиқиб,  
Қиё боқмас, бермайди овоз.

Отларига дон-дун қўяман  
Тулпори ҳам ўзидай мағрур.  
Дон-дунимга бир бор боқмайин  
Ўтиб кетар қанотли дулдул.

Елкам узра ёзиқ сочларим,  
Йўлим тўсар панжара бўлиб.  
Суянаман соч занжирига,  
Утолмайман минг зори бўлиб.

Кетиб борар чавандоз боқмай,  
Эгарига мингазмас мени.  
Кетиб борар, билмайман, қайга,  
Соғинчимнинг олис ёлқини...

\* \* \*

Айро тушдим жон деб, жондин,  
Ер дебман-а орсиз танни.  
Бахт кўшқидин Ором тонди,  
Тириклигим гумон энди.

Оҳларимдан тутун ўрлар,  
Мен ўлдим-у Афёр ўлмар.  
Бул ҳолатим билмас кўплар,  
Тириклигим гумон энди.

Не ҳам кўрдим бу дунёдин?  
Чиқмади бош хавф—Елғондин.  
Эгилди қад ёв—Армондин.  
Тириклигим гумон энди.

Чиқиб кетгум қир-далага,  
Юзим тутгум шалолага.  
Дуч келмасдан боз балога,  
Эссиз, даврим, кетдим энди.

Тупроқ аро тинчим топиб,  
Момоларим руҳин ўпиб,  
Улган танда жон тирилиб,  
Илнж дилга дармон энди.

## УЛ ЯҚИН, МЕН — ИИРОҒИНГ

Мен дунёга келтирдим, эганг бугун ўзгадир,  
Мужгон ачитган жойнинг озорлари кўзгадир.  
Не қилай, бул жонимни эрта айладим қурбон,  
Менга не раво кўрсанг, қайтгай ўғил-қизгадир.

Йиллар шамоли қаддим буколмади, сир эмас,  
Талпинганим хур-ғилмон ва ёки хориж эмас.  
Мен таниган дунё ҳам, кўзим ёқар зиё ҳам,  
Болам, Сени ишонган ноним ҳамда туздадир.

Сенинг-ча мен ганимман, дўст эрур ёринг мутлақ,  
Унинг айтган ҳар сўзи Сенга Оллоҳдайин ҳақ.  
Сут берган нари бўлиб, бери бўлди хурлиқонг,  
Худо ҳам мендай ёлғиз, лекин ҳокимдир барҳақ.

Не бўлса ҳам болажон, бўл уйимнинг чироғи,  
Инсофин берсин Оллоҳ сен сўйган хурлиқонинг.  
Одамийлик дарсини беролмаган онаси  
Шу сабаб ушбу тонгда ул яқин, мен — йироғинг.

Мен дунёга келтирдим, бугун эганг ўзгадир.

\* \* \*

Атлас кийган қизлар кўзга  
кўринар гўзал,  
Гўё атлас яхши куйдай  
эъзозда азал.  
Атлас кийган қиздай сўлим  
кириб келди куз,

Ҳар иккисини жилосидан  
қамашади кўз.  
Оқ дуррасини бошга солиб  
қизлар ҳашарда.

Атлас ранг куз ҳорманг, дея,  
бергандек далда,  
Эгатларга кун-тун демай  
экилган армон.

Мана кузда бўй чўзмоқда,  
бўлиб зўр хирмон.

Атлас кийган қизлар кузда  
 ҳеч ҳоримасин,  
 Куздек тўкин умр кўрсин,  
 лек қаримасин.

\* \* \*

Чангдан қуёш,  
 нон ҳиди келар.  
 Олмадан-чи,  
 Севгининг ҳиди,  
 Қизил гулдан  
 соғинчнинг таъми,  
 узоқ йўлдан  
 қувончнинг ранги,  
 ёлиб келади.  
 Ул йўлларга  
 чиқиб тснг билан,  
 тилим учида  
 севган ном билан,  
 ўлгим келади.

МУНДАРИЖА

Бағишлов	3
Тил ўрганаётган шоғирларимга	4
Амирим, мен Сизни раҳнамо билдим	4
Чулпоннома	5
«Энди гуллар...»	6
Армон	7
«Қутлуғ оним...»	7
Кечиккан гулим	8
Айирмоқ учун	9
«...га»	9
«Мен қоялар ичра...»	10
Вақт кўксидан	10
Бегим	11
Аразли кунда	12
Илк кунлар	13
Остона ортидаги интиқлик	13
«Севмайман...»	14
«Эсимда...»	15
«Бир кун...»	15
Қоядаги гул	16
Учрашмас сўқмоқлар	16
Хавотирлик	17
«Фонус ўчиб қолди...»	18
Мутаржам	18
Хижрон куйи	19
Емгир	20
Енгил тортасан	21
«Уйламанг...»	21
Тушларинг айтасан	21
Юрагимга чақмоқ тушди	22
Дардларим маним	23
чўкиб бормоқдаман	24
«Ажаб...»	24
Холат	25
«Менга деган...»	25
«Сир эмас...»	26
Уксиниши	27
Гина	27
Қуз	28
Яхшилик	29
Чўли ироқ	29
Дўстимга	30

«Бул хона»	31
Муруваат	31
Ором йўқ	32
Исен	33
Куз вальси	34
«Дарёни кўзлаб...»	34
Фидойилик	35
Қўноқларда жоним менинг	35
Укинч	36
Турналар	37
Сиз менинг бахтимсиз	37
Тушқулик	3
«Кўнглимга ой ботди...»	38
«Мен...»	38
Бардош кўшиги	39
«Мен Сиздан...»	40
Кўшигим	40
Чорлов	41
Қамбар момомга	41
«Хидлари келади...»	42
Бандангдирман	43
Бу дунё не ўзи	44
Мунгли болага	44
Дарёга кел	45
Кимга осон	46
«Сен менга...»	47
Рашк	47
«Яна бир куй...»	48
Мард эрга	48
Никоҳ узуги	49
Армонли	49
Мен тирик нисонман	50
Эй, дуст	51
Эски йилнинг охири кун	51
Уйқусиз тунда	52
Насибам	53
«Унинг ёлғиз...»	53
Қудаларимга	54
Талабамнинг онасига	55
«Номард уруш...»	55
«Бўй қизларга...»	56
«Яхшиям, тун...»	56
Хоксорлик	57
Акамга	57
«Айро тушим...»	58
Ул яқин, мен йироғинг	59
«Атлас...»	59
«Чангдан қуёш...»	60

Адабий-бадиий нашр

Шарофат Ботирова

ЮРАКДАГИ КҮЗ

Шеърлар

Муҳаррир З. Мирзаева  
Мусаавир Ю. Қарпўлас  
Расм муҳаррири Ю. Габдуллоев  
Техн. муҳаррир У. Ким  
Мусахҳиҳ Моҳира Хўжаева

Босмахонага берилди. 22.10.98. Боснига руҳсат этилди 2.12.98  
Улчами 84×108<sub>1/2</sub>. Юқори босма. Шартли 6-табоғи 3.36. Нашр  
табоғи 2.83. Жами 3000 нусха. Буюртма 151. Шартнома 83—98.  
Баҳоси шартнома асосида.

«Езувчи» нашриёти. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мабуот кўмитасининг Тошкент  
киتاب-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусовод да-  
ҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй.

Б 88

Богирова Ш.


Юракдаги кўз: Шеърлар. — Т.: «Езувчи», 1998. —  
64 б.

У 1 2



Шарофат Ботирова — шоира ва моҳир таржумон, Виктор Гюго, Жак Превер шеърларини фаранс тилидан ўзбекчага таржима қилган. "Оловранг уфқ", "Бедорлик" шеърини тўламавлари ва талаббалар учун ўқув қўлланмалари муаллифи.

А. Қодирий номли Жиззах Давлат педагогика институтининг доценти бўлиб ишламоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, "Эл-юрт хурмати" ордени соҳибаси.



YOZUVCHI